



КОСМИК ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев космик фаолиятни ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 30 августдаги фармонида кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ўзбеккосмос” агентлиги ташкил этилган эди. Ўтган даврда бу соҳада меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш, инфратузилма яратиш бўйича муайян ишлар қилинди. Лекин бугунги кунда космосдан фойдаланиш миқёси шунчалик кенги, ҳали бу борада ўрганадиган жиҳатларимиз кўп.

Масалан, 2020 йилда дунёда космик хизматлар бозорининг умумий ҳажми 400 миллиард долларга яқинлашган. Бунда асосий ўринни ерни масофадан зондлаш, алоқа йўлдошлари, навигация хизматлари эгалламоқда. Келажакда космосдан фойдаланиш эҳтиёжи янада ортиб бораверади.

Шу боис, Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, космик тармоқни ривожлантиришнинг 5 йиллик концепцияси ва “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Уларда ерни масофадан зондлаш, телекоммуникация сунъий йўлдошлари миллий гуруҳини яратиш, илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш, аэрокосмик стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадлар белгиланган.

Шунингдек, “Ўзбеккосмос” агентлигига қўшимча вазифалар юклатиш мўлжалланмоқда. Булар — космик суратларни таҳлил қилиш орқали иқтисодиёт соҳаларида қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, давлат космик мониторингини амалга ошириш, бу жараёнда илгор технологияларни қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш кабилардир.

Давлатимиз раҳбари бу чора-тадбирларнинг натижадорлиги қандай бўлишини сўради.

Қайд этилганидек, бу тармоқ ривожига қишлоқ ва сув ҳўжалиги, ер муносабатлари, экология, геология каби кўплаб соҳаларда кўл келади. Масалан, экинларнинг тури ва майдони, ерларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниши, ноқонуний чиқинди жойлари пайдо бўлишини аниқлаш даражаси 95 фоизгача етади. Сув иншоотлари, ер қазри ва фойдали қазилмалар муҳофазаси ҳам янада кучаяди.

Президентимиз бу таклифларни маъқуллаб, тегишли ҳужжатларни қабул қилишга кўрсатма берди.

ЎЗА

МУНОСАБАТ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи ҳар доимгидек жуда самарали, амалий учрашувлар ва тадбирларга бой бўлди.

Франциянинг расмий ва ишбилармон доиралари вакиллари Янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар суръати ва натижаларини юқори баҳоладди. Франциялик йирик инвесторлар мамлакатимизда муҳим лойиҳаларни амалга ошириш истагида эканини таъкидладди.

Президентимиз уларнинг бу истагини қўллаб-қувватлаб: “Ҳар бир инвестор Ўзбекистон деганда, энг аввало, барқарорлик ва келажакка ишончни тасаввур қилишига интиляпмиз”, деди.



ИШОНЧ ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН МУҲИМ МУЛОҚОТ

Расмий ташрифнинг умумий ҳулосаси шуки, олий даражада эришилган келишув ва учрашувлар Ўзбекистон — Франция тарихий мулоқот руҳининг янги даврига асос солди, дейиш мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи, аввало, конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтириш,

иқтисодиётнинг турли тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, гуманитар ва таълим соҳасидаги алмашинувларни давом эттириш каби жабҳаларда ўзаро манфаатли янги

марралар кўзлангани билан ҳам ажралиб турганини қайд этиш уринли бўлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОСМИК ТАРМОҚНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Космик мониторинг ишларини амалга ошириш ва давлат бошқаруви органларини космик суратлар билан таъминлаш, шунингдек, космик технологияларни қўллаш орқали ижтимоий-иқтисодий, илм-фан, муҳофаа ва хавфсизлик соҳаларида космик фаолият натижаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринда — “Ўзбеккосмос” агентлиги) Ўзбекистоннинг космик фаолиятини тартибга солиш, космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни белгилаш ҳамда космик мониторинг, шу жумладан, давлат космик мониторингини амалга ошириш бўйича **махсус ваколатли давлат бошқаруви органи** ҳисобланади.

2. Давлат космик мониторингини амалга ошириш доирасида “Ўзбеккосмос” агентлигига қуйидаги **қўшимча вазифалар** юклатилсин: космик суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали **иқтисодиёт соҳаларида қонунбузарлик** ҳолатларини аниқлаш;

давлат космик мониторингини амалга ошириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тегишли вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилаётган мониторинг жараёнларида космик технологияларни қўллаш бўйича таклифларни тайёрлаш;

соҳаларда вазирлик ва идоралар томонидан космик технологияларни қўллаш даражасини мониторинг қилиш ва уларнинг жорий этилишини жадаллаштириш.

3. Қуйидагилар: **2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг космик тармоғини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат космик мониторингини амалга ошириш дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давоми 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

БАНК ТИЗИМИ ВА ФОНД БОЗОРИ

инвестицион жозибадорлик нима беради?

Бугунги жаҳон иқтисодиёти глобал рақобатга асосланган. Ҳеч бир миллий иқтисодиёт ўзини ўзи таъминлаш орқали ривожлана олмайди. Шу боис, бутун нафақат товар ва хизматлар, балки хорижий инвестициялар жалб қилиш бўйича кескин рақобат кузатилмоқда.

Давоми 4-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РУҲИ



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган азим Самарқанд яна жаҳон цивилизациясининг илгор ва замонавий марказларидан бирига — оламшумул ташаббуслар рўёбга қарашувдан майдонга айланмоқда. Жаҳон халқлари учун дўстлик ва тинчлик тимсоли, илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлган тарихий заминда шу кунларда яна бир халқаро тадбир — 2022 йил 5-6 декабрь кунлари ўтказиладиган “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” мавзусидаги глобал форумга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан мазкур форумнинг мақсад-моҳияти ва аҳамияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Самарқанд шаҳрида бу форумни ўтказиш ташаббуси Президентимиз томонидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида илгари сурилган, — деди А.Саидов. — Ушанда давлатимиз раҳбари

БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусини илгари суриш учун БМТ кенгаши аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттиришимизни таъкидлагани бежиз эмас.

Давоми 3-бетда

ТУРИЗМ

ДУНЁ САЙЁҲЛАРИ УЧУН ДАРВОЗАСИ ОЧИҚ ШАҲАР

ЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛАДИ

Мамлакатимизда туризм соҳаси кейинги пайтда илдам ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг 19 сентябрида ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказган видеоселекторда “Туризмда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради, саноатда ва бошқа тармоқларда бу 10 фоиздан ошмайди. Туризм соҳасида яратилган битта иш ўрни турдош тармоқларда қўшимча иккита иш ўрни пайдо бўлишига туртки беради. Шунинг учун кўп давлатлар сайёҳ жалб қилишнинг янги-янги йўллариини излаяпти”, дея алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар, хусусан, Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон туризм ташкилоти доирасидаги давлатлар ўртасида туризм соҳасида алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро аҳамиятга эга тадбирларни мунтазам ўтказиб бориш режалаштирилган. Жумладан, 2023 йилда ЮНВТО Бош ассамблеяси XXV сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича Ўзбекистон номзодини илгари суриш юзасидан келишувга эришилди. Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтган ЮНВТОнинг XXIV сессияси доирасидаги овоз бериш жараёни



натижаларига кўра, мамлакатимиз навбатдаги сессия мезбонлигига талабгор давлат — туризм соҳаси анча ривожланган Португалияни ортда қолдирди.

ЮНВТО Бош ассамблеяси икки йилда бир марта ўтказиладиган сайёҳлик форуми ҳисобланади. Юқори даражадаги тадбир,

яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти оиласига кирувчи тузилма сессияси туризм соҳаси анча ривожланган давлат сифатида Ўзбекистонда ўтказилиши мамлакатимиз учун тарихий ҳодиса, десак тўғри бўлади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОСМИК ТАРМОҚНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбеккосмос” агентлиги 2024 йил 1 декабрга қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар, мазкур қарорда белгиланган вазифалар бўйича эришилган натижалар ва мақсадли кўрсаткичлар, шунингдек, тегишли давр учун космик технологиялар тараққиётининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб 2025-2026 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Молия вазирлиги 2-иловадаги чора-тадбирларни 2023-2024 йилларда амалга ошириш учун зарур бўладиган маблағлар Давлат бюджетидан “Ўзбеккосмос” агентлигига ажратилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон қарори доирасида:

вазирлик, идора ва ташкилотлар “Ўзбеккосмос” агентлигининг сўровномасига асосан зарур маълумотларни ўз вақтида ва сифатли тақдим этади;

тегишли соҳаларда масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари тасдиқланган йўналишлар доирасида амалга оширилаётган барча тадбирларнинг сифатли бажарилиши юзасидан шахсан масъул ҳисобланади.

5. “Ўзбеккосмос” агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда давлат космик мониторингини амалга ошириш тартибини белгилловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда:

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан давлат космик мониторинги ўтказиладиган соҳаларга оид давлат кадастрлари маълумотлари (вектор ва атрибутив параметрларига ўзгартиришларсиз) асл ҳолида ўрнатилган тартибда “Ўзбеккосмос” агентлигига мунтазам равишда тақдим этиб борилишини;

давлат космик мониторинг тизими орқали ер ости бойлиқларини қазиб олиш, сув ресурсларини муҳофаза этиш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш, маиший чиқиндиларни йиғиш ва реализация қилиш йўналишларида (давлат ер ва кадастр назорати соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно) аниқланган ҳуқуқбузарликлар учун ундириладиган маъмурий жарималарнинг 10 фоизини Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасига йўналтиришни назарда тутсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳар йили 20 июлга қадар келгуси йил учун

космик хизматларга бўлган йиллик эҳтиёж ҳажми, даврийлиги ва уларни етказиб бериш муддатлари тўғрисидаги маълумотларни “Ўзбеккосмос” агентлигига тақдим этади;

вазирлик ва идораларнинг талабига кўра “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан амалга ошириладиган келгуси йил учун космик хизматлар ҳажми ва турлари ҳар йили 1 октябрга қадар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

космик хизматлар харажатларининг бир қисми “Ўзбеккосмос” агентлиги харажатлар сметасида ажратилган бюджет маблағлари, қолган қисми Молия вазирлиги маблағлари таркибида назарда тутилади ҳамда ушбу маблағ кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари асосида қайта тақсимланади.

7. “Ўзбеккосмос” агентлигига: космик технологияларни жорий этиш тизимини молиялаштириш учун харажатлар бўйича таклифларни шакллантириш ҳамда заруратга кўра хорижий қарз, грантлар ва бошқа маблағларни жалб этиш;

Космик тармоқни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига жойлаштириш ҳамда уларни тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Кадастр агентлиги ва “Ўзбеккосмос” агентлиги билан биргаликда 2023 йил 1 февралга қадар давлат космик мониторинги ўтказиладиган соҳаларга оид давлат кадастрлари маълумотларини “Электрон ҳукумат”нинг идораларига маълумотлар узатиш тармоғи орқали тақдим этиш бўйича ўзаро интеграция қилишни таъминласин.

9. “Ўзбеккосмос” агентлиги космик тадқиқотлар ва технологиялар соҳасида халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ва тижорий космик фаолиятни ривожлантириш мақсадида:

Глобал сунъий йўлдошли навигация (GNSS) тизимлари операторлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

Халқаро астронавтика федерациясига (IAF) аъзо бўлиш;

халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар, компаниялар ва банклар билан космик соҳага хорижий сармоя ва илғор технологияларни жалб этиш бўйича ҳамкорлиқни ривожлантириш;

фавқулодда вазиятлар юзга келганда сунъий йўлдош аппаратлари орқали ерни масофадан зондаш маълумотларини тезкор қабул қилиш мақсадида хорижий сунъий йўлдош операторлари билан келишув, меморандум, битим ва шартномалар тузиш чораларини кўрсин.

10. Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда 2023 йил якунига қадар қишлоқ ва сув ҳўжалиги, экология, телекоммуникация, геология-қидирув, картография, гидрометеорология, сейсмология ва шаҳарсозлик соҳаларининг самарадорлигини оширишда ерни масофадан туриб зондаш, йўлдош алоқа, навигация тизимларини қўллаш масалаларининг илмий ва инновацион ечимига қаратилган амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини шакллантирсин.

Бунда, илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқариш фаолиятига самарали жорий этиш мақсадида танлов эълон қилиш учун тақдим этиладиган лойиҳа мавзулари ва улардан қўтилаётган натижалар “Ўзбеккосмос” агентлиги билан келишилади.

11. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мазкур қарордан кўзланган мақсад ва вазифалар, шунингдек, Дастур ва “Йўл харитаси”ни амалга ошириш жараёнини ёритиш бўйича мақола ва мавзули теледастурларни ташкил этсин.

12. “Ўзбеккосмос” агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб “Ўзбеккосмос” агентлиги бош директори вазифасини бажарувчиси Ш.М.Кадилов белгилансин.


Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 23 ноябрь



ИШОНЧ ВА ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИКНИ МУСТАҚКАМЛАШ УЧУН МУҲИМ МУЛОҚОТ



Фаридун САТТОРОВ,
сиёсий фанлар доктори

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги дўстона алоқалар ўзаро ишонч руҳида фаоллашмоқда. Бу ҳамкорлик доираси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-гуманитар ва таълим соҳаларини қамраб олган.

Франция Европа Иттифоқининг бугуни ва кепажак йўналишини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Унинг Европа

минтақасидаги таъсир доираси кенг. Бундан ташқари, бу мамлакат БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзосидир. Шу билан бирга, халқаро сиёсий муносабатларда Франция, одатда, вазмин ва мувозанатли ташқи сиёсат юритади. Шу омилларни ҳисобга олиб айтишимиз кераки, Франция Ўзбекистоннинг муҳим халқаро шерикларидан бирidir ва бундай шериклик иккала мамлакатнинг мақсад ва манфаатларига тўла жавоб бериши шубҳасиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яқинда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи GSP+ имтиёзли савдо тизимига қўшилиши ўзаро савдо алоқалари янада ўсишига кўмак беради.

Франция бозорларида тайёр, товарлар билан етарли даражада рақобат қилиш учун мамлакатимиз олдида бир неча вазифалар турибди. Биринчидан, экспорт қилинадиган маҳсулотларимизнинг Европа юқори стандартлари ва техник регламентларига мувофиқлигини таъминлашимиз лозим. Иккинчидан, энг самарали транспорт логистикаси йўлагини яратиш керак. Бунда Транскаспий савдо коридорини ривожлантириш катта аҳамият

касб этади. Учинчидан, франциялик истеъмолчилар ўртасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларнинг танилиши ва харидоригир бўлиши учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги маданий алоқалар ҳам кун тартибидан тушмаган. Яқинда Франциянинг Миллий тиббиёт академиясида “Авиценна” халқаро мукофотини топшириш маросимида Абу Али ибн Сино бюсти очилди. Ушбу бюст улўғ бобомизнинг тиббиёт, фалсафа ва маданият соҳаларидаги илмий ва гуманистик меросини тарғиб қилишда ўзаро фаол ва ижобий муносабатларнинг рамзидир.

Маънавий-маърифий соҳалар ҳақида гап кетганда, таъкидлаш кераки, замонавий давлатчиликнинг муҳим белгилари бўлмиш дунёвийлик, миллий суверенитет, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш дастлаб Францияда юзага келиб, дунё бўйлаб тарқалган. Шу маънода, Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самарадорлигини таъминлаш, “Инсон қадри учун” тамойилни тўлақонли рўёбга чиқаришда бу мамлакат бой тажрибаси биз учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Охириги олти йил давомида мамлакатимиз ва минтақада ташқи сиёсий жараёнлар янгиланиши бошланди. Жумладан, минтақамизда яхши қўшничилик руҳида кўпгина минтақавий муносабатлардаги масалалар ўз ечимини топди. Бунга асосий сабаблардан бири юритилаётган очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсатдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Франция ўртасида тарихан давом этиб келган алоқалар кун сайин ривожланиб бормоқда. Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи натижалари ҳам фикримиз далилидир.

ТУРИЗМ

ДУНЁ САЙЁҲЛАРИ УЧУН ДАРВОЗАСИ ОЧИҚ ШАҲАР

ЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛАДИ

Алишер ЭШТАЕВ,
Туризм ва маданий мерос
вазирлиги бошқарма
бошлиғи, иқтисодийёт
фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Жаҳон туризм ташкилотининг бош қотиби Зураб Пололикашвили жорий йил 3-7 ноябрь кунлари расмий ташриф билан юртимизда бўлди. Ташриф давомида учрашувлар, Ўзбекистондаги туризм ва маданий мерос объектлари, замонавий туризм инфратузилмасини ривожлантириш, ташқи ва ички туризм кўрсаткичларининг ўсиши, соҳада тадбиркорлик билан шуғулланишга яратилган имкониятлар, туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш борасидаги ишлар билан биргаликда, 2023 йилда ЮНВТО Бош ассамблеяси XXV сессиясини Самарқанд шаҳрида ўтказиш бўйича олиб борилаётган тайёргарлик ишлари билан ҳам танишди. Ташриф якунида Жаҳон туризм ташкилотининг бош қотиби ушбу тадбирга тайёргарлик юқори даражада олиб борилаётганини эътироф этди.

Мамлакатимиз 1993 йилдан ушбу ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади. Ўтган даврда туризм соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини халқаро миқёсда илгари суршига қаратилган муҳим ташаббус ва қўшма дастурлар амалга оширилган.



Жаҳон туризм ташкилоти 1975 йил 2 январда кучга кирган низом асосида фаолият олиб боради. Ташкилотнинг асосий мақсади — туризм ривожланишига кўмаклашиш, иқтисодий тараққиёт, халқаро англашув, тинчлик, фаровонлик, барча одамларнинг ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишдан иборат. Мазкур мақсадга эришиш учун ташкилот ривожланаётган мамлакатларнинг туризм соҳасидаги манфаатларига алоҳида эътибор беради.



Соҳага доир халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш мақсадида ЮНВТО туризм тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингида 2019 йилдаги 4-уриндан 2026 йилда 3-уринга

эришиш, сайёҳлар учун хавфсиз мамлакатлар рейтингида 2020 йилдаги 46-уриндан 2026 йилда 20 та энг хавфсиз мамлакат рўйхатига кириш, Solo Travel Safety Report рейтингида ёлғиз саёҳат



қилувчи сайёҳлар учун хавфсиз мамлакат рейтингида 2026 йилда камида 50-уринни эгаллаш, Global Muslim Travel Index ҳалол туризм рейтингида 2020 йилдаги 7-уриндан 2026 йилда 3-уринга кўтарилиш, Саёҳат ва туризмнинг рақобатбардорлиги индексида 2026 йили биринчи 50 талikka киритиш мақсад қилинган.

Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси XXV сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши жаҳон туризм индустрияси етакчи вакиллари, хорижлик инвестор ва ишбилармонлар, ташкилотга аъзо давлатлар ҳамда кўплаб сайёҳларни жалб этади.

Бу эса, ўз навбатида, жаҳон иқтисодиётида шиддатли рақобатбардорлик кураши бўлаётган, қолаверса, глобаллашув даврида туризм соҳаси юқори даражада ривожланган давлатлар томонидан соҳани ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган кенг қамровли чора-тадбирлар жорий этилаётган, янги бозорларни маркетинг тадқиқотлари асосида ўрганиш ва забт этиш, туризмнинг янгидан-янги турлари илгари сурилаётган бир пайтда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги туризм салоҳиятини ва у орқали турдош тармоқларнинг янада ривожланишига олиб келади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ ТИНЧЛИК, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Ҳақиқатан сўнгги йилларда Ўзбекистон Президентининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлида тақдир этган қўллаб-таъбиқлари рўёбга чиқди. Хусусан, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши томонидан 2021 йил 8 октябрда **Ёшларнинг инсон ҳуқуқларига COVID-19 пандемияси таъсирининг оқибатлари тўғрисидаги резолюция** қабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда **Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси** изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистон парламенти 2021 йил 7 июнда Ноғиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида амалга ошириш халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга йўналиштирилган демократик ислохотларнинг асосий мезонига айланди.

Энди Президентимизнинг **Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларациянинг** 10 йиллигига бағишлаб БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишга оид ташаббусини амалга ошириш арасида турибмиз. Бўлажак форум мавзуси мазкур декларациянинг номи билан бевосита боғлиқ.

— **Бу декларация ҳақида маълумот берсангиз.**

— Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим нормалари қўллаб-халқаро ҳужжатларга киритилган. Хусусан, 2011 йил декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан **БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси** қабул қилинган.

Декларация БМТга аъзо давлатларга инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбияни таъминлаш масъулиятини юклайди. Мазкур декларацияга мувофиқ:

Биринчидан, жамиятнинг ҳар бир аъзоси таълим олиш ва ўқитиш орқали инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга қўмаклашиши лозим;

Иккинчидан, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга ва таълим инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга, кадр-қимматини ҳис этишга, барча кишиларга эркин жамиятнинг фойдали иштирокчилари бўлишга, барча миллатлар, irqий, этник ёки диний гуруҳлар ўртасида ўзаро тушуниш, бағрикенглик ва дўстликни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак;

Учинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим демократик жамият куриш мақсадида ҳуқуқ ва эркинликларни англаб етиш ва улардан фойдаланиш, мажбуриятларга амал қилишни назарда тутувчи инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга хизмат қилади;

Тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим барчаннинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда фундаментал аҳамият касб этади;

Бешинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутайди.

Хуллас, **инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия барча инсонлар, айниқса, ёшларни кенг қамраб оладиган ҳаётий жараён**. Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларация ана шу эзгу мақсадларни глобал қўламда амалга оширишга қаратилган.

— Самарқанд глобал форумида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичига тақдирлар муҳокама қилиниши айтилмоқда. Ушбу ҳужжатнинг ҳам мазмун-моҳиятини мухтасар шарҳлаб берсангиз.

— 2004 йил 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни амалга оширишга қўмаклашиш мақсадида **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури**ни эълон қилган. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси Жаҳон таълим дастури бажарилишини глобал даражада мувофиқлаштириб бориши белгиланган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури — доимий амалга ошириладиган узлуксиз босқичлардан иборат ташаббус. Ушбу жараён билан ҳаётимизнинг барча соҳаларини кенг қамраб олишга қўмаклашиш учун давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни бошланғич ва ўрта мактаб, олий таълим тизимида, ўқитувчи ва тарғиботчилар, давлат хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбийлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида синдириб бориши тақозо этилади.

Жаҳон таълим дастури БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тўғрисидаги декларациясини миллий даражаларда амалга оширишни фаоллаштиришга ёрдам берадиган амалий воситадир. Ўтган даврда Жаҳон таълим дастури инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича миллий сайёҳаракатлар негизда қўйидаги кетма-кет босқичларда изчиллик билан амалга оширилмоқда:

Биринчи босқич 2005-2009 йилларни қамраган бўлиб, унда бошланғич ва ўрта мактаблар тизимида инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни интеграция қилишга эътибор қаратилди;

Иккинчи босқич 2010-2014 йилларда амалга оширилган олий таълим тизимида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни уйғунлаштириш ҳамда ўқитувчилар ва таълим соҳаси ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларни ушбу соҳа бўйича тайёрлашга бағишланди;

Учинчи босқич 2015-2019 йилларга мансуб эркин, мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситаларининг адолатли тарғиб қилиш, камситишларга йўл қўймаслик, ҳурмат ва эркинликни таъминлашдаги муҳим ролини эътироф этган ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасида ОАВ мутахассислари ва журналистларни тайёрлашга алоҳида уруғ беришдан иборат бўлди;

Тўртинчи босқич 2020 йилдан бошланган ва 2024 йилга қадар давом этади. Бунда ёшларни тенглик, инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва камситмаслик руҳида тарбиялаш, инклюзив, тинч ва оқилоллик жамиятини яратишга имкон беришчи таълим беришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурини амалга оширишнинг мазкур тўртинчи босқичи доирасида:

✓ ёшларни инклюзив, тинч жамиятни яратишга имкон берадиган тенг ҳуқуқлилик, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва камситмаслик руҳида ўқитиш ва тарбиялаш;

✓ хотин-қизлар ва болаларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибидagi “**ҳеч кимни ёддан чиқармаслик**” мақсадида мувофиқ аҳолининг заиф қатламлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш;

✓ педагог кадрлар, шу жумладан, болалар ва ёшлар билан ишловчи тарбиячилар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни ташкил этиш;

✓ инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида тегишли тадқиқотлар ўтказиш, баҳолаш, илғор тажриба ва олинган сабақлар билан ўртоқлашиш кўзда тутилган.

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 2022 йил 6 октябрдаги резолюциясида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга оширишга масъул тегишли манфаатдор томонларнинг бу борадаги ижобий ташаббуслари алоҳида таъкидланди. Шунингдек, барча давлатлар ва манфаатдор томонларга Жаҳон таълим дастури босқичлари ҳамма соҳаларга чуқур таътиқ этилишини фаоллаштириш тавсия қилинди.

Резолюцияда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг **бешинчи босқичи**да амалга ошириладиган ишлар юзасидан тақдирларни шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармасига БМТнинг барча тузилмалари, давлатлар, фуқаролик жамияти институтлари ва манфаатдор томонларнинг айна мавзудаги фикр-мулоҳазаларини сўраб олиш тавсия этилди.

“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” мавзусидаги глобал форумда, жумладан, Жаҳон таълим дастури **бешинчи босқичи** бўйича тақдирлар муҳокама қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Бу омил, бир томондан, ушбу халқаро анжуманнинг қанчалик долзарблигини кўрсатса, иккинчи томондан, Самарқанд глобал форумида том маънода умумбашарий масалалар кўриб чиқирилиши яна бир бор тасдиқлайди.

— **Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимга оид халқаро ҳужжатларнинг бажарилишида Ўзбекистон қай даражада иштирок этмоқда?**

— Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ ислохотлар шароитида “**инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри — энг муҳим қадрият**” тамойили эътироф этилмоқда. Шу боис, йиллар давомида амал қилиб келган “**давлат — жамият — инсон**” тамойили Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “**инсон — жамият — давлат**” тамойилига ўзгартрилди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, таълимнинг эзига хос соҳаси ҳисобланувчи **инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни** изчил ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Бундай таълим барчаннинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда бирламчи аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасида, шу жумладан, ушбу йўналишдаги таълимни такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилганини айна шу муҳим омиллар билан изоҳлаш ўринли, деб ўйлайман. Чунки **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари**

Давр нафаси

“**БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТИ 2021 ЙИЛ 7 ИЮНДА НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛДИ. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИДА АМАЛГА ОШИРИШ ХАЛҚ УЧУН ФАРОВОН ВА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИГА АЙЛАНДИ.**”

маданиятини шакллантиришга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Олий Мажлис томонидан 2019 йилда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қондаларини амалга ошириш бўйича **Миллий ҳаракатлар дастури** қабул қилинди. Парламентимиз палаталари кенгашлари мазкур Миллий ҳаракатлар дастури ижроси юзасидан қабул қилган “Йўл харитаси” 24 та банддан иборат бўлиб, 2021 йил декабрга қадар ижроси тўлиқ таъминланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси доирасида олий ўқув юртлари учун инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курслари жорий этиш вазифаси белгиланган. Бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 7 июндаги фармойишига мувофиқ, **Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастури**нинг тўртинчи босқичини амалга ошириш бўйича **миллий комиссия** ташкил этилди. Бундан қўзланган мақсад — барча учун универсал бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш нормалари ва принциплари, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишнинг халқаро қафолатлари тўғрисидаги хабардорлиқни, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш.



Айни вақтда миллий комиссия аъзолари иштирокида **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури** лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уни тайёрлашда халқаро шартномалар нормалари ва андозларига, БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасига масъул тузилмалари тавсияларига, шунингдек, жамиятимизнинг тарихий, миллий ва маданий қадриятларига таяндик.

— **Самарқанд глобал форумини ўтказишнинг асосий мақсади ва долзарб вазифалари нималардан иборат?**

— **Глобал форумнинг асосий мақсади** БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича жаҳон таълим дастури амалга оширилишининг оралик натижаларини сарҳисоб қилишдан иборат. Шунингдек, ушбу соҳадаги илғор тажриба, амалиёт ва инновацион ёндашувлар тақдиротини ташкил этиш, халқаро, минтақавий ва миллий даражаларда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш бўйича ўзаро фикр алмашиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Ўз навбатида, глобал форумни ўтказишдан қуйидаги мақсадларга эришиш кўзда тутилмоқда.

Биринчи мақсад: 2018 йил 22-23 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “**Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги якуни**лар: **замонавий таҳдидлар ва реал воқелик**” мавзусида **Осиё форуми** бўлиб ўтган. Осиё форуми иштирокчилари томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси БМТ Бош Ассамблеясининг 2019 йил 6 февралдаги 73-сессиясида тасдиқланди.



Осиё форуми якунида инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида мазкур халқаро анжуманни мунтазам ўтказиш муҳимлиги ва зарурлиги таъкидланди. Шу маънода, “**Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим**” мавзусидаги **глобал форум Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумининг узвий давомидир.**

Иккинчи мақсад: 2022 йил 10 декабрда инсоният тарихида биринчи марта инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини эълон қилган **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 75 йиллигини** нишонлаш кампанияси бошланади. Бинобарин, 10 декабрь — бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам **Халқаро инсон ҳуқуқлари кун**и сифатида кенг нишонланадиган сана арафасида бўлиб ўтадиган Самарқанд глобал форуми жаҳон миқёсидаги ана шу муҳим тадбирга старт беради.

Учинчи мақсад: таълим соҳасидаги яна бир муҳим ҳужжат — **БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари** бўлиб, унинг тўртинчи мақсадида

биринчи вазифа — Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларация қондаларини амалга ошириш билан боғлиқ халқаро, минтақавий ва миллий инсон ҳуқуқларини ўқитишга оид тажриба ва ёндашувларни муҳокама қилиш;

иккинчи вазифа — инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбиянинг долзарб муаммоларни ҳал қилишдаги, хусусан, камситиш, зўравонлик ва экстремизмнинг олдини олиш борасидаги ҳиссасини ўргатиш;

Учинчи вазифа — сўнгги йилларда миллий даражада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбиянинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва улар юзасидан тақдирлар тайёрлаш;

Тўртинчи вазифа — бу борадаги илғор халқаро, минтақавий ва миллий тажриба ҳамда ибратли сабақлар, шунингдек, мавжуд материаллар, муассасалар ва дастурлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаш, тўплаш ва тарқатиш орқали маълумот алмашинувиға эришиш;

Бешинчи вазифа — Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларация ҳамда 2030 йилгача Барқарор тараққиёт мақсадлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, яқин йилларда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбияни миллий даражада амалга оширишни янада рағбатлантириш бўйича намунали натижаларга эга бўлиш кўзда тутилмоқда.

— **Глобал форум ташкилотчилари ва иштирокчилари ҳақида қандай дастлабки маълумотларни тақдим эта olasиз?**

— Форумнинг асосий миллий ташкилотчиси ҳукуматимиз номидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳисобланади. Самарқанд анжумани БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси, БМТнинг мамлакатимиздаги жамоаси, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси офиси, Фидрих Эберт жамғармаси каби ишончли халқаро ҳамкорларимиз билан ҳамжиҳатликда ташкил этилмоқда.

Глобал форумнинг БМТ шафелигида гибрид форматда ўтказилиши бутун дунёдан кенгрок аудиторияга, соҳа мутахассисларига виртуал тарзда иштирок этиш ва муҳокама сессияларида қатнашиш имконини беради. Унда халқаро экспертлар, мутахассислар, давлат органлари, иштироклаштирилган таълим муассасалари, нодавлат ношароитли таълимлотлар ва фуқаролик жамиятини бошқа институтлари вакиллари, юқори лавозимли шахслар иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд глобал форуми:

✓ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурини амалга ошириш натижаларини сарҳисоб қилиш;

✓ инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги мавжуд халқаро ва минтақавий ҳужжатлар ва ёндашувларни қўллаш қўламини таҳлил этиш;

✓ халқаро миқёсда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги ибратли тажриба ва энг самарали амалиётларни тарғиб қилиш;

✓ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурини амалга ошириш бўйича турли гуруҳлар учун асосий вазифаларни белгилаш;

✓ Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичи учун аниқ тақдирларни тавсия этиш;

✓ пандемиядан кейинги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда таълим дастурлари ва тавсияларини қайта кўриб чиқиш;

✓ халқаро, минтақавий ва миллий даражада инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдек қўллаб-қўллаб муҳим натижаларга эришиш имкониятини беришдан умидворимиз.

Ғулом МИРЗО суҳбатлашди.



НУҚТАИ НАЗАР

БАНК ТИЗИМИ ВА ФОНД БОЗОРИ

ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК НИМА БЕРАДИ?

Самариддин ЭЛМИРЗАЕВ,
Банк-молия академияси кафедра мудири,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор



Бошланиш 1-бетда

Мана шундай шароитда ҳукуматлар бизнес учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, хусусан, мулк дахлсизлигини таъминлаш, солиқ юкини кескин камайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, фойдани эркин тасарруф этиш борасида инвесторларга енгилликлар тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки фақатгина миллий инвестициялар билан мунтазам ўсиб бораётган эҳтиёжларни таъминлаш имконсиз.

Бошқа томондан, миллий инвесторлар учун яратилган етарлича шарт-шароитлар хорижий сармоядорларнинг ҳам қизиқиши ортишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг 2022 йил 16 ноябрь куни ўтказилган биринчи ялпи мажлисида ҳам айнан хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётимизга жалб қилиш масаласи афзолича муҳокама этилди.

Президентимиз Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисидаги нутқида барча соҳаларда бўлгани каби банк-молия тизимида, жумладан, соғлом рақобат муҳитини яратиш, тармоқда чет эл банклари, самарали фонд бозорини шакллантиришга хорижий инвесторларни фаол жалб қилиш борасидаги ишлар, мавжуд имкониятлар ва улардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилди.

Ялпи мажлисда таъкидланганидек, замонавий иқтисодиёт драйвери бўлган хусусий бизнес тараққиёти банк-молия соҳаси ривожини билан узвий боғлиқ. Бунда хусусий бизнес доимий равишда фойдани максималлаштириш мақсадида инновацияларни кенг жорий этишга интилади. Инновациялар учун эса банк-молия тизими бизнесни молиялаштиришининг ўзаро манфаатли вариантларини тақдир қила олиши лозим. Шунда иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари комплекс ривожланишининг янада жадаллашуви куттиш мумкин.

Хусусий сектор давлат иштирокига нисбатан анча самарали

Айни вақтда мамлакатимиз банк секторида давлат улуши юқори. Мазкур ҳолатда тижорат банклари инвестицион фаоллик орқали юқори иқтисодий самардорликка эриша олмапти. 2022 йил 9 ойи якунларига кўра, давлат улуши мавжуд банкларнинг умумий капитали 60,3 триллион сўмни ташкил этиб, соф фойдаси 3,9 триллион сўмга етган. Натикада 2022 йилнинг уч чораги бўйича давлат иштирокидаги тижорат банклари капитал рентабеллиги ўртача 6,5 фоиз бўлган. Хусусий тижорат банклари эса бу кўрсаткич 20,3 фоизни ташкил этган.

Шундан ҳам кўриш мумкинки, давлат бизнесда аксарият ҳолатларда муваффақиятли фаолият юрита олмапти. Шу боис, мазкур секторда хусусий инвесторлар, хусусан, хорижий сармоядорларнинг иштироки низоҳатда муҳим. Банк секторида миллий ва хорижий инвесторларнинг фаоллиги соҳада соғлом рақобат муҳити шаклланиши, бу эса, ўз навбатида, барқарор тараққиётга хизмат қилади. Чунки бу соҳада ҳам хусусий сектор, ҳам хорижий инвесторларнинг фаоллиги тижорат банкларининг инновацион ривожини таъминлайди.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида қуёш электр станциясини ишга тушириш бўйича Саудия Арабистонининг “Acwa Power” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа, қатор тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиш бўйича “яшил” кредитлар таклиф қилинаётгани эътиборга молик, албатта.

Мана шулардан келиб чиқиб, Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисида давлат иштирокидаги тижорат банклари хусусийлаштириш кун тартибидagi долзарб масала экани яна бир бор таъкидланди. Бундан давлат улушини миллий фонд бозорига оммавий савдоларга қўйиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Фақат бунинг учун тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини ошириш лозим бўлади. Инвестицион жозибадорлигини ошириш эса бир кунлик вазифа ҳамда бир кунда эришилмайдиган натижа эмас. Айни вақтда давом этаётган рақамли трансформация жараёнида тижорат банклари, аввало, ноликвид ва даромад келтирмайдиган активлардан тезроқ қутулиши, энг асосийси, тижорат фаолияти билан шугулланиши зарур. Бошқа томондан, электрон платформа орқали рақамли банк хизматларини кенгайтириш ва операцион харажатларини камайтириш натижасида фойдани максималлаштиришга интилиши, пировардида, акциядорларга инфляциядан юқори бозор даромадлиги асосида мунтазам дивидендлар тўлашга ўтиши шарт.

Бу йўналишда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача чиқариш устувор мақсади мустаҳкамланган.

Фонд бозори — банк сектори ривожининг муҳим омили

Хорижий инвесторлар кенгаши мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан яна бир муҳим вазифа — самарали фонд бозорини шакллантириш масаласи кўтарилди. Айнан фонд бозорини кучайтириш истиқболда тижорат банклари фаолияти ривожини муҳим аҳамият касб этади. Чунки иқтисодиётни молиялаштиришда кредит ва фонд бозорлари ўртасида кескин рақобат юзага келиши ҳар иккала соҳанинг рақобатда устунлиқка интилиши орқали ривожланиши таъминлайди. Бундан эса миллий ишлаб чиқарувчи, капитал

зарур бўлган томон арзон капитал жалб қилиш имконига эга бўлади. Шу боис, иқтисодиётни молиялаштириш нуктаи назаридан молия бозорининг биржа моделини танлаган мамлакатларда банк тизими ҳам юқори даражада ривожланган. Ёки аксинча, иқтисодиётни банк воситасида молиялаштирувчи мамлакатларда ҳам фонд биржалари тўлиқ рақобатчи сифатида ривожланганини кўриш мумкин.

Юртимизда айни вақтда иқтисодиётда давлат иштироки юқорилиги эмитентларнинг фонд бозоридagi фаоллигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли Хорижий инвесторлар кенгаши ййилишида иқтисодиётда давлат улушини камайтириш ва хусусийлаштириш янада чуқурлаштириш асосий мақсадлардан бири сифатида тилга олинди.

Қайд этиш керакки, стратегик аҳамиятга эга корхоналарни аниқ белгиланган ҳолда уларда давлат иштирокини сақлаб қолиш лозим. Шунингдек, юқори рентабелли давлат иштирокидаги масъулияти чекланган жамиятларни акциядорлик жамиятларига айлантириш ва улардаги давлат акция пакетини фонд бозорига олиб чиқиш мақсада муювофик, Мазкур амалиётда (битта акция битта лот тартибда) акциялар сони бўйича сотиб олиш мумкин бўлган юқори чегарани белгилаш орқали оммавий савдолар ташкил этиш кенг миқёсда аҳолининг ҳам фонд бозорига жалб қилинишига имкон беради. Бу орқали юқори талабни юзага келтириш мумкин, бу эса, ўз навбатида, хусусийлаштириш баҳоси ошишига ҳам хизмат қилади.

Худди шундай амалиётни акциядорлик жамиятларидаги давлат эгаллигидagi акция пакетлари бўйича ҳам қўллаш лозим. Бу соф корпоратив бошқарув ривожланиши туйғайли аҳолида мулкдорга айланиш ва даромадларини ошириб бориш, пировардида, фаровонлиқни юксалтиришга хизмат қилади.

Фонд бозори ривожланишида хусусий корпоратив эмитентлар фаоллиги низоҳатда муҳим. Бунинг учун эса улар йириклашиб бориши лозим. Ўзбекистонда бизнеснинг микробизнес, кичик бизнес ва ўрта бизнес тоифалари жорий этилаётгани аҳамиятли, албатта. Айнан мазкур тоифалар орқали бизнес субъектлари йириклашиб боради ва истиқболда глобал рақобатга кириша олади.

Бошқа томондан, бизнеснинг йириклашуви нуктаи назаридан масъулияти чекланган жамиятларнинг акциядорлик жамиятларига айланиши ҳам муҳим. Гарчи акциядорлик жамиятлари устав капиталига минимал талаб бекор қилинган, корпоратив бошқарувнинг мураккаб тузилмаси соддалаштирилаётган бўлса-да, амалиётда масъулияти чекланган жамиятларнинг акциядорлик жамиятига айланиши сўнгги йил-

ларда деярли кузатилмапти. Бунга акциядорлик жамиятлари молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида трансформация қилиш каби талабларнинг жорий қилингани салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки янги ташкил этилган ёки ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш орқали ташкил этилган акциядорлик жамиятлари олдида ҳисоботлар трансформацияси каби мураккаб талаблар қўйилиши ортиқча харажатларга сабаб бўлмоқда. Бу жиҳат ўз-ўзидан янги акциядорлик жамиятлари ташкил этилиши ва фонд бозори ривожини сулалаштиради. Халқаро молия бозорига чиқиш вақтидагина молиявий ҳисоботлар трансформацияси бизнес учун кўпроқ натижа келтиради. Демак, соддалаштирилаётган тизимда бу жиҳатларни ҳам инобатга олиб, зарур чораларни белгилаш керак бўлади.

Фонд бозори шундай устунлиқка эгаки, у орқали хорижий инвесторлар ўз мамлакатини тарқ этмасдан туриб, бошқа давлатлардаги бизнес субъектларига тўғридан-тўғри инвестиция киритиш имкониятига эга. Демак, бу бозор инвестицияларни ўзлаштириш борасида чегарасиз, шу билан бирга, катта қулайлик тақдим этувчи майдондир.

Лекин юртимиздаги фонд биржалари орқали бу амалиётни амалга ошириш имкониятлари низоҳатда чегараланган. Чунки хорижий ва миллий инвесторларнинг масофадан туриб брокерлик ҳисоб-рақамлари очиш ва фонд бозори орқали акциядорлик жамиятларига инвестиция киритиш имкониятлари ҳали тақдим этилмаган. Ўқин истиқболда мазкур масалани ижобий ҳал қилиш бу борада қўйилган мақсадларимизга эришишда муҳим қадамлардан бири бўлади.

Бугунги кунда жаҳондаги тенденция кўрсатмоқдаки, хорижий фонд биржаларида молиявий инструментларнинг юзлаб турлари амал қилмоқда. Тошкент республика фонд биржасида эса оддий ва имтиёзли акциялар ҳамда қисман корпоратив облигациялар жойлаштирилган. Жаҳон иқтисодиётида иқлим ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда, глобал яшил тараққиётга интилиш нуктаи назаридан сўнгги йилларда яшил облигацияларини ҳам муомалага чиқариш, жойлаштириш ва жалб қилинган капитални яшил лойиҳаларга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ялпи мажлисда мана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”ни “яшил” молиялаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди. Бу борада Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида қуёш электр станциясини ишга тушириш бўйича Саудия Арабистонининг “Acwa Power” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа, қатор тижорат банклари томонидан аҳоли хонадонларига қуёш панеллари ўрнатиш бўйича “яшил” кредитлар тақлиф қилинаётгани эътиборга молик, албатта. Мамлакатимизда уларга қўшимча равишда “яшил” облигацияларни муомалага чиқариш ва жойлаштириш инфратузилма ва атроф-муҳит билан боғлиқ қатор лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. “Яшил” облигацияларнинг ҳам давлат, ҳам корпоратив эмитентлар томонидан муомалага чиқарилиши истиқболда фонд бозори инструментларининг орбит боришига хизмат қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, банк тизими ва фонд бозорини ўзаро узвий ҳолда ривожлантириш яқин истиқболда глобал рақобатбардошлик ўсиши ва иқтисодий тараққиёт жадаллашуви таъминлайди. Бу жараёнда хорижий инвесторлар фаоллигини ошириш эса самарадорлиқни янада юксалтиради.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

ОИЛАВИЙ МЕҲМОН УЙЛАРИ: АРЗОН, ҚУЛАЙ ВА ШИНАМ



Деразани очсангиз, ёмғирнинг майин шитирлашидан, сайроқи қушлар овозидан сехрланасиз, мевалару анвойи гуллар ва райхон ифори, сув сепилган ернинг ёқимли ҳиди димоғингизга урилади. Бундай кайфиятингиз кўтарилиб, табиат бағрида дам олгингиз келади. Бундай ажойиб имкониятни Наманган вилоятининг тоғу дараларида, хушманзара жойларида бунёд этилаётган оилавий меҳмон уйларида топишингиз мумкин.

Президентимизнинг жорий йил 28 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтов лагерлари, автокемпинглар, эқоуйлар мажмуаси, контейнер шаҳарчалар ва чодирли лагерлар ташкил этиш ҳамда бундай ишлар учун Наманган вилоятига 40 миллиард сўм кредит ажратиш белгиланган.

Мазкур топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажаришни таъминлаш мақсадида вилоятда тизимли ишлар йўлга қўйилган. Худудларнинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш даражаси ва талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб, дастлаб тадбиркорларга бериладиган имтиёзлар ҳақида тарғибот-ташвиқот қилиш, аҳоли бандлигини таъминлашга кўмаклашиш юзасидан шаҳар ва туманлар кесимида режа-жадвал тайёрланган.



Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 18-19 февраль кунлари Наманганга ташрифи чоғида ва Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам вазирлик ва идоралар масъул вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузган ҳолда, вилоятда 500 оилавий меҳмон уйи ташкил қилиш режасини тасдиқлаш ва уни жорий йил охирига қадар амалга ошириш, бунда оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида Поп туманининг Чодак қишлоғида 300 оилавий меҳмон уйи очиш учун зарур кредит ажратиш хусусида сўз борганди.

— Саъй-ҳаракатларимиз анча жадаллашди, — дейди Наманган вилояти Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи Ботиржон Нуридинов. — 2017–2021 йиллар давомида вилоятимизда 232 оилавий меҳмон уйи ташкил этилган ва натижада 696 янги иш ўрни яратилган. 2022 йилнинг 9 ойи мобайнида эса 271 оилавий меҳмон уйи фаолият бошлади. Наманганда шу йил 1 октябр санисига қадар жами оилавий меҳмон уйлари сони 503 тага етиб, бир вақтда 5 мингдан ортиқ сайёҳга хизмат кўрсатиш имконияти ҳамда 1 минг 509 иш ўрни пайдо бўлди.

Ёзнинг иссиқ кунларида нафақат Намангандан, балки қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларидан ҳам одамлар дам олиш учун келяпти. Бу эса ички туризм ривожига катта ҳисса бўлмоқда.

— Наманганда туризм соҳасига қаратилмаётган эътибордан хурсандимиз, — дейди Янгикўрган тумани “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида ашовчи тадбиркор Ғулноза Авазбекова. — Наъна қишлоғида оилавий меҳмон уйимиз бор. Меҳмон уйлари ташкил этиш истигадига фуқароларга 33 миллион сўмгача 14 фоизли имтиёзли кредитлар расмийлаштириляпти. Шу маблағлар ҳисобидан меҳмонхонани ҳиҳозлаш ва сайёҳларга сифатли даражада хизматлар кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, худудлардаги замонавий оилавий меҳмон уйларида гастрономик туризм, шопинг туризм, туристик ахборот маркази, “WiFi” нуқталари каби қўллаб қўшимча туристик хизматлар хорижликлар ва юртдошларимиз учун шай.

Вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси тадбиркорлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Азизбек Охунжоновнинг билдиришича, кичик бизнес вакиллари ва хусусий тадбиркорларга туристик хизматларни яхшилаш учун мунтазам равишда ўқув семинарлар, тренинглар уюштириляпти. Жумладан, жорий йилнинг сентябрь ойи сўнгги ўн кунлигида Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GLZ) ва Ўзбекистон меҳмонхоналар уюшмаси ҳамкорлиқда Янгикўрган, Поп, Чортоқ ва Чуст туманларида

оилавий меҳмон уйлари фаолияти билан шугулланаётган тадбиркорларга “Хавфсиз меҳмон уйи” мавзусида семинар-тренинг ўтказди.

Сўлим Косонсойда сентябрь ойида 25 оилавий меҳмон уйи ишга тушиб, 75 фуқаро меҳмонхона ҳодими айланди. Турақўрган ва Мингбулоқ туманларида ҳам ишлар намунали йўлга қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 июндаги “2022-2024 йилларда Наманган вилояти Поп, Янгикўрган ва Чортоқ туманларининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди Чодак туризм қишлоғи, “Дўстлик” ва “Сойбўйи” МФЙ ҳамда Чортоқ тумани туризм салоҳиятини тарғибот этиш, туроператорлар учун инфотурлар ташкиллаштириш, маълумотларни оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқларида жойлаштириш, видеолавларлар ва тарқатма материалларни тайёрлаш каби вазифалар белгиланган.

Наманганга сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида яқинда республикамиз вилоятларидан 30 га яқин туроператор хамиша гавжум манзиллар — Янгикўрган туманидаги Ўнгор, Кўксарой ва “Paradise”, Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний зияратгоҳи, Поп туманининг Чодак қишлоғидаги “Arap Cosmos Hotel”, Чир-чир момо зияратгоҳи, “Kemping” дам олиш масканларидаги қизгин жараёнлар билан батафсил танишиди. Якунда B2B форматдаги учрашув ҳам самарали кечди. Тадбирда Наманган вилоятидан туризм соҳасида фаолият юритаётган 40 нафар бизнес вакили ҳам қатнашди.

Бундай бизнес форумларда туроператорларнинг ўзаро алоқалар ўрнатиши келгусида вилоятлар ўртасида сайёҳлар оқими кўпайишига, ички туризм ривожига хизмат қилади.

Орифжон ЖўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР — АБАДИЙ АЛОҚАЛАР

ЯГОНА ТАРИХ ВА УМУМИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ



**Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
“Туркий адабиёт дурдоналари” нашрининг умумтуркий адабиёт ва ўзбек адабиёти бўйича масъул муҳаррири, филология фанлари доктори, профессор**

Турк адабиётининг илк сарчашмалари барча туркий халқлар учун умумий ва ягона саналади, шунинг учун у манбалар Умумтурк адабиёти намуналари, дея аталади. Умумтурк адабиётининг илк манбалари эса жуда қадимги даврларга бориб тақалади. “Билгамиш”, “Қўрқут ота китоби”, “Манас” ва “Алпомиш” каби ёдгорликлар ҳоҳ оғзаки шаклда тарқалган бўлсин, ҳоҳ ёзма вариант ва версияларда мавжуд бўлсин, туркий халқлар адабиётининг қадимийлигига жонли исботдир.

юқори ўринларида ардоқланмоқда. Улар орасида X–XIV асрларда яратилган муҳташам ёдгорликлар кўламини тасаввур қилиб қўринг: Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” (“Туркий сўзлар тўплами”), Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қўтадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”), Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” ва Ҳаким Сулаймон отанинг “Боқирғон китоби”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” ва Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарларининг номлариёқ туркий адабиётнинг бу илк намуналари қанчалик маҳобатли ва сартармоқ бўлганини аниқлаб турибди. Ҳали бу каби элга маълум бўлган адабий дурдоналардан ташқари, Қуръони каримнинг бир неча “Туркий тафсири”лари, Қул Алининг “Қисаси Юсуф”, Маҳмуд ибн Али Кордарийнинг “Наҳж ул-фародис” (“Жаннатларнинг очик йўли”), номаълум муаллифли “Муъйн ул-мурид” (“Муридлар ойнаси”) каби маърифий сарчашмалари ҳам бор.

Номлари келтирилган маънавият манбалари барча туркий қавмлар ва халқлар учун бирдай хизмат қилгани, туркий тамаддунининг шаклланишига асос бўлгани боис, уларга умумтурк манбалари сифатида қаралади. Бундай қараш қарийб юз йил муқаддам Фюд Кўпрулу ва Фитрат, Исмоил Ҳикмат ва Ҳаъфар Жабборий тадқиқотларида асослаб берилган.



QR-кодни сканер қилиш орқали видеога ўтинг!

“ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИНИНГ УЛУҒ НАМОЯНДАСИ, БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР, ИЛК ТУРК МУТАСАВВИФИ ВА ЯССАВИЙЛИК ТАРИҚАТИНИНГ АСОСЧИСИ ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ НОМИНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН, УНИНГ ТАЪСИРИДА БАРЧА ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРДА ҲИКМАТЛАР ЁЗИЛГАНИНИНГ БОШ ОМИЛИ УЛУҒ МУТАСАВВИФНИНГ “ДЕВОНИ ҲИКМАТ” АСАРИ БЎЛГАН.

Иккинчи Ренессанс даврига қадам қўйди. Бугун умумтурк адабиёти Учинчи буюк уйғонишга юз тутаётган экан, унинг илк маърифий бўлоқларини ўрганиш нафақат зиёлилар қатлами, балки барча турк тилларида сўзлашувчи омма учун ҳам вожибдир.

Маълумки, 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуаси туркий филологиянинг асосчиси Маҳмуд ибн Хусайн Кошғарийнинг “Девону луготит турк” асари билан очилади. Маҳмуд Кошғарийнинг бу қомусдан ташқари, бошқа бир “Китаби жавоҳир ун-наҳви фи луготит-турки” (“Туркий тилларнинг наҳв қоидалари”) деган асари ҳам бор бўлиб, у бизгача етиб келмаган.

“Девону луготит турк”нинг изоҳ ва тушунтириш матнлари араб тилида ёзилган ва XX асрда бир неча тилларга таржима қилинган бўлиб, унинг турк, ўзбек, уйғур, қozoқ, oзарбайжон, инглиз, немис, рус, хитой тиллари (жами 18 тилда 22 марта тўла ва қисманда чоп этилган).

XI асрда яшаб ижод қилган шоир Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қўтадғу билиг” асари турк давлатчилиги асослари ва мамлакат бошқаруви масалаларидан баҳс юритади. Ушбу манба Низомулмулкнинг “Сиясатнома”сидан етти йил аввал, Кайковуснинг “Қобуснома” асари-дан 12-13 йил аввал яратилган давлат аҳамиятга молик асар. Ҳозирги кунда жаҳон фикр ва илм аҳлининг эътиборини

ҲАМЖИХАТЛИК

АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

ТУРКМАНИСТОННИНГ ДАШОГУЗ ШАҲРИДА ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ФЕСТИВАЛИ КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

**Шавкат ОРТИҚОВ,
Маданият вазири маслаҳатчиси,
Орифжон ФАЙЗИЕВ,
Маданият вазирлиги Матбуот хизмати раҳбари**

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ҳамжиҳатлик ва хурмат, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги янги сиёсий муҳит юзага келди. Ҳеч шубҳасиз, бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг хизматлари беқимс. Буни нафақат қўшниларимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам кенг эътироф этмоқда.

Минтақани фаровон ва барқарор ривожланаётган, ишонч ва дўстлик маконига айлантириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодасини оддий фуқаролар ҳаётида рўй бераётган ўзароширлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Қондош, жондош бўлган, бир дарёдан сув ичган одамларни узоқ йиллар қийнаб келган қўлпаб муаммолар барҳам топди. Дўст ва қардош халқларнинг ўзаро бордин-кеңдилари тикланди. Образли қилиб айтганда, қўшнилар билан муносабатлардаги “музлар эриди”.

Марказий Осиё минтақаси салоҳиятини тўла юзада чиқариш, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу ҳаётий ташаббус қардош халқлар манфаатларига мос бўлгани учун кенг қўллаб-қувватланди ва тезда амалга ошди. Ҳозиргача бундай маслаҳат учрашувлари тўрт марта ўтказилди. Хусусан, жорий йил 20-21 июль кунлари Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳри мезбонлик қилган навбатдаги учрашув ҳам муваффақиятли кечди. Ўзбекистон етакчиси илгари сурган долзарб ташаббуслар кенг жамоатчилик, хорижий экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Шу ўринда Қувайтнинг “Q-8 Press” он-лайн газетасида мамлакатдаги етакчи “Ал-Анба” газетаси муҳаррири Холид аш-Шарқавийнинг Чўлпонотадаги учрашув якунларига бағишлаб эълон қилинган мақоласини эсга олсак. “Дунё” АА хабарига кўра, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқида илгари сурилган тақлифларнинг мазмун-моҳияти, минтақа хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишдаги аҳамиятига

оид фикр-мулоҳазалар акс этган мақоладаги қуйидаги сўзлар алоҳида диққатга молик: “Дунёда содир бўлаётган воқеалар олий даражадаги мунтазам учрашувлар ўтказиш орқали давлатлар ўртасидаги сиёсий-дипломатик мулоқотларни фойдалантириш муҳимлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев узоқни кўра биладиган сиёсатчи сифатида республиканинг ташқи сиёсат концепциясида барча мамлакатлар, биринчи навбатда, қўшни давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда”.

Дарҳақиқат, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарқиқёт стратегиясида ҳам Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш белгилаб қўйилган. Бу борада амалда жуда кўп ибратли ишлар қилинмоқда.

Энг яқин қўшни ва ишончли ҳамкор

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, маданий-маърифий соҳада жадал ривожланмоқда. Бунда олий ва юқори даражадаги ўзаро ташрифлар мунтазамлиги касб этиб, улар доирасида қатор келишувларга эришилаётгани муҳим ўрин тутмоқда.

Турило концерт ва фестиваллар, кўргазмалар ташкил этилаётгани, маданият ва кино кунлари ўтказилаётгани, юртимизда туркман миллий маданият марказлари фаолият юритаётгани чин қардошлик ва

яқши қўшничилик ришталарини янада кучайтиришга хизмат қилаётир.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Фанлар академияси томонидан тайёрланган 100 жилдлик “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуасининг 9 та жилди туркман адабиёти намуналарига ажратилди.

2018 йилда Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига туркман халқининг буюк фарзанди, мутафаккир шоир Махтумқули номи берилиб, сўлим хиёбон барпо этилди, шоир сиймоси акс этган барельеф ўрнатилди.

Хоразм вилояти Урганч туманидаги Туркманлар маҳалласида жойлашган қадимий “Улли ҳовли” ёдгорлик мажмуаси қайта тазмирланиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент шаҳрида “Ашхобод” боғи, Ашхобод шаҳрида эса “Тошкент” боғи барпо этилди. Ҳамкорлигимизнинг амалий ифодасига оид бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Утган ҳафта Туркменистоннинг Дашоғуз шаҳрида ташкил этилган Ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали ҳам икки халқ ҳаётида яна бир унутилмас воқеа бўлди.

Ришталарни янада мустаҳкамлаган тadbир

Ушбу ўзига хос дўстлик байрамида иштирок этиш учун маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, ҳунармандлар — жами юздан ортиқ ижодкордан иборат Ўзбекистон делегацияси Дашоғуз шаҳрида катта эҳтиром билан кутиб олинди.

Дашоғуз шаҳри кўчалари икки халқ қардошлигини акс эттирувчи баннерлар билан безатилган. Электрон таблоларда, диққатга сазовор жойларда “Яшасин ўзбек ва туркман дўстлиги!” ёзувлари акс этиб турибди. Бундай муҳит, албатта, кўнглига алоҳида ҳис-туйғу бағишлайди. Шунингдек, Туркменистон телеканалларида мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик ришталарига бағишланган туркум кўрсатувлар, муслиқий дастурлар, суҳбатлар, лавҳалар мунтазам бериб борилади. Жумладан, мезбон давлат қўшнчиларининг ўзбек санъаткорлари репертуаридаги қўшиқлардан тuzилган концерт дастурлари ойнаи жаҳон орқали эфирга узатилгани меҳмонларда катта



таассурот уйғотди. Газеталарда эса туркум мақолалар чоп этилиб борилади.

Фестивалнинг тантанали очилиш маросими Дашоғуз шаҳридаги “Туркман оқ уйи” санъат саройида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали иштирокчиларига табрик йўллагани тadbир нуфузини янада оширди.

“Ҳеч шубҳасиз, ўзаро тарихий-маданий алоқалар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги кўп асрли биродарлиқнинг мустаҳкам тамал тоши бўлиб келмоқда. Чин қардошлик ва яқши қўшничилик ришталарини янада кучайтиришга қаратилган ушбу муҳим тadbир эса элу юртларимизнинг умумий эзгу мақсадлари ва оруз-интилишлари муштарак эканини яна бир бор яққол тасдиқлайди”, дейилади Президентимиз табригида.

Йиғилганлар икки давлат раҳбарларининг табригини олқишлар билан кутиб олди.

Ўзбекистон ва Туркменистон маданият ва санъат усталарининг ҳамкорлигидаги концерт дастури намойиш этилди. Унда ўзбек ва туркман куй-қўшиқлари янгради, икки халқнинг буюк мутафаккир шоирлари Алишер Навоий ва Махтумқули шеърларидан намуналар ўқилиб, миллий рақслар ижро қилинди. Санъат саройи-

га йиғилганлар куй-қўшиқларга мириқиб қарошга тушди.

Тadbир иштирокчилари Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларига чукур ҳурмат ва эҳтиром билдирган ҳолда, ушбу дўстлик фестивалини юксак даражада ташкил этишда кўрсатган эътибор ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик изҳор қилди.

— Мазкур фестиваль икки давлат Президентларининг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати натижаси бўлиб, биродар халқларнинг кундан-кунга ривожланаётган дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди маданият вазири Озодбек Назарбеков. — Фестиваль доирасида ҳар икки давлатнинг кўргазмаларини кўрдик, ҳар икки халқ тарихига назар солдик, қадриятлари, маданият ва санъати билан яқиндан танишдик. Буларнинг барчаси бир фикрни исботлаптики, биз тарихан бир-биримизга қанчалар яқин, қанчалар дўст бўлганмиз. Албатта, шундай анжуманлар, фестиваллар асосида бу ришталар изчил ривожланиб бораверади.

Ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали доирасида “Туркман оқ уйи” санъат саройи биносиди икки халқ ҳунармандлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Дўстлик байрами иштирокчилари уларни томоша қилиб, икки қардош элнинг ўзига хос ҳунармандлик мактаблари ҳақида маълумотга эга бўлди.

тортган ушбу муҳташам асар нафақат туркий тилдаги адабиётнинг, балки бутун Осиё халқлари адабиётининг кўрки сифатида танилмоқда.

Туркий халқлар адабиётининг улуғ намояндаси, буюк шоир ва мутафаккир, илк турк мутасаввифи ва яссавийлик тариқати асосчиси Ҳожа Аҳмад Яссавий номини дунёга танитган, унинг таъсирида барча туркий халқларда ҳикматлар ёзилгани бош омили улуғ мутасаввифнинг “Девони ҳикмат” асари бўлган.

Атокли адиб, ҳадисшунос ва таълими адабиётнинг улуғ вакили Адиб Аҳмад бинни Маҳмуд Югнакий “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқат армуғони”) асари таълими дoston сифатида Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шариф ҳикматларининг шеър-га солинган шаклидир. Бу каби ўзига хос усулда битилган асарни бошқа халқлар меросида учратмаймиз.

Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асари туркий халқлар меросидаги илк насрий қиссалардан бири сифатида эътибор қозонган. Тилга олинган манба ва асарлар “Туркий адабиёт дурдоналари” мажмуасининг дастлабки беш жилдини ташкил этади. Бу умумтурк тамаддунининг сарчашмалари бўлиб, ўзидан кейинги давр адабиётига таъсир ўтказган. Кейинги даврларда яратилган асарлар орқали ҳар бир миллат ва халқ ўз адабиётини намойиш эта бошлаган. Ана шу манбаларни жамлаганда, юз жилдликка ўзбек адабиёти 28 жилдда, турк адабиёти 17 жилдда, oзарбайжон адабиёти 16 жилдда, қozoқ адабиёти 10, қирғиз ва туркман адабиётлари 9 жилддан, қоракалпоқ адабиёти 5 жилд, можаар (венгер) адабиёти эса 1 жилдда намоён бўлган. Бу адабий дурдоналардаги умумий муаллифлар сони мингдан зиёддир.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд саммитида ушбу мутабар нашрини тилга олиб, бу каби бутун туркий мамлакатлар халқларининг меросини жамлаган мажмуаларни нашр қилиш аънанаси бошқа туркий давлатларда ҳам давом этишига истақ билдирган эди.

Халқимизга туҳфа этилган “Туркий адабиёт дурдоналари” ягона тарих ва умумий қадриятлар тимиоли сифатида халқларимиз ўртасидаги адабий алоқаларни мустаҳкамлашга туркий мамлакатлар ҳамкорлигининг маънавий асоси бўлиб хизмат қилажақ.

— Юртимизда ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали ташкил этилгани улкан воқеадир, — дейди Туркменистон Маданият вазирлиги ходими Оқмурод Ражабов. — Икки халқ ўртасида азалдан тарихан ўзаро яқинлик, яқши қўшничилик муносабатлари мавжуд. Ҳозирги кунда Президентларимизнинг учрашувлари, мулоқотлари ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, ривожлантиришга замин яратмоқда. Бу дўстлик байрами ўтказилишида ҳам катта маъно ва мақсад мужассам. Дўстлигимиз абадий бўлсин!

Шу куни Дашоғуз шаҳридаги Нурмуҳаммад Андалиб номидаги муслиқали театрда Хоразм вилояти муслиқали драма театри томонидан Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони асосида саҳналаштирилган “Қайс” спектакли намойиш этилди. Ўзбекистон ижодкорларининг ижроси томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди.

Фестиваль доирасида Дашоғуз шаҳридаги вилоят кулбонахонасида Ўзбекистон ва Туркменистон ёзувчи-шоирларининг ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Унда ушбу нуфузли анжуман халқларимиз маданияти, санъати ва адабиёти ривожини кенг уфқлар очган, ўзаро ҳамкорликка янги суръат бағишлаган тadbирларнинг мантисқий давомии сифатида улкан аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

— Мана шундай имконият учун биз икки мамлакат раҳбарларига ташаккур айтишимиз керак, — дейди филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов. — Чунки бу адабий дўстлик, бу санъат дўстлиги, маданият дўстлиги ва қалб дўстлигидир. Таассуротларимиз жуда ҳам катта. Ташриф доирасида табаррук қадамжоларни зиёрат қилиш имкониятига ҳам эга бўлдик. Бундан жуда мамнуниймиз.

Шу куни Дашоғуз вилояти Дилевар қишлоғи маданият уйида икки мамлакат кино ижодкорлари ижодий учрашуви ва ўзбек-туркман фильmlарини намойиш ўтказилди. Хусусан, Ўзбекистон томонидан томошабинлар эътиборига “Аёл қисмати” фильми ҳавола қилинди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими эса Нурмуҳаммад Андалиб номидаги муслиқали театрда бўлиб ўтди.

Унда дўстлик фестивали иштирокчиларининг Ўзбекистон ва Туркменистон Президентларига муурожаати ўқиб эшитирилди. Муурожаатда фестиваль иштирокчилари ўзбек ва туркман халқларининг дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратаётган Ўзбекистон ва Туркменистон етакчиларига самимий миннатдорлик изҳор этиб, уларга сихат-саломатлик, узоқ умр, эзгу мақсадлар йўлидаги фаолиятида улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тиладилар.

Шунинг билан ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали якунланди. Унинг шукўҳи хали узоқ вақт қалбларда сақланиб қолиши, шубҳасиз.



МАЪНАВИЯТ КАРВОНИ

ОЙ ВА ҚУЁШ
УЧРАШГАН ЗАМИНЭшқобил ШУКУРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Мактабда 5-синфда ўқиб юрган кезларимиз эди. Эндигина бир мучалини тўлдириб, 12 ёшга кирган болалармиз. Лолақизгалдоқ иссиғи авжга минган кезларда мактабимизда бир хабар тарқалди. Хабарки, биз болаларни ҳаяжонлантириб юборган хушдан-хуш хабар: Сурхондарёнинг Қизирқ туманига фалон совхоз, фалон қишлоққа бир гуруҳ санъаткорлар билан Абдулла Орипов келаётган эмиш.

Шеърни, адабиётни яхши кўрадиган болаларнинг ичига бирдан ғулгула тушди. Энди нима қиламиз? Қизирқ деган жойлар биз учун дунёнинг нарги бurchи эди. Ўзиям бизнинг қишлоқлардан уёлқаргача 40 чақирим келармиш. Ота-оналаримиз бизни уёлқарга юбормаслиги тайин. Хавотир олади. Рухсат бермайди. Шундай эса-да, ҳожишимиз қайтариб бўлмас даражада кучли эди. Ушанда Ҳажим деган синфдошим билан уйдагиларга билдирмай, “Қайдасан, Қизирқ?” деб йўлга чиққанмиз. Қўлай келганида трактор тиркамасига, қўлай келганида қора мошини автобўсага чиқиб, сураб-суриштириб, охири кун яримлаганда биз учун “сеҳрли дивёр” Қизирққа, сўнг учрашув бўладиган жойга етиб бордик.

Учрашув дала ўртасидаги шийпонда бўлаётган экан. Лекин қувончимиз узоққа чўзилмади. Икки ошна йўл юриб, йўл юрсақ ҳам мўл юриб, манзилга етдик деганимизда, учрашувни олиб бораётган бошловчи азиз меҳмонларга ва узоқ-яқиндан келганларга раҳмат айтиб, учрашув тугаганини эълон қилди. Биз тўп-тўп одамлар ўртасида келаётган Абдулла Ориповни узоқдан кўриб қолдик. На шеърини эшитдик, на сўзини. Кечикиб борибмиз. У киши атрофдагилар билан хайрлашиб, машинага ўтирди-да кетди. Орадан 48 йил ўтиб кетган эса-да, ҳамон уша кунни аниқ-тиниқ эслайман. Бу мен учун катта воқеа эди. Улуғ шоирни узоқдан бўлса-да, кўриб қолган эдим. Шунинг ўзи мен учун рағбат бўлган. Орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг Тошкентда Абдулла акага мен Қизирқдаги ўша учрашув ҳақида гапириб бердим.

Икки ҳафтадирки, аввал Навоий вилоятида, кейин Жиззах вилоятида “Маънавият карвони” билан юрдик. “Маънавият карвони” Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган. Йил бошидан буён бу карвон қадимий Ипак йўли устида бораётган бир карвон каби ҳамма вилоятларимиздан бирма-бир ўтиб келимиз. Карвонда таниқли шоирлар, олимлар, машҳур театр ва кино актёрлари, маданиятимиз арбоблари жам бўлган. Улар Қизирқдан ҳам узоқ Томди яйловларининг сўнгги ҳудудларигача маҳаллама-маҳалла, қишлоқма-қишлоқ юриб, учрашувлар ўтказди. Шундай жойларда бизнинг ўн-ўн икки ёшимиздаги каби халқ шоирлари, халқ артистлари, халқ олимлари билан учрашишни оруз қилиб юрган ёшлар борлигини кўрдик.

Эл билан учрашишда ҳаммиша файз бор. Чунки ҳикмат эл орасига сочилган. Бунчи иходкорлар ҳис этади. Қолаверса, халқимизда “Юрган — дарё, ўтирган — бўйра” мақоли бежиз айтилмаган. “Эл оралаб” деган ибора ҳам кўриб-кечириш маъносини билдиради. Мақсад одамларга ақл ўргатиш эмас, улар билан самимий мулоқотга киришиш, қўлини ўргатиш, ният ва интилишларини тушунишдир.

“Маънавият карвони”нинг яна бир жиҳати бор. Унда аксарият зиёлилар йиғилган. Зиёлилар ҳаммиша жамиятнинг олдинги қаторида туради. Одамлар улардан улғу олади. Зиёлилари билан бир эл мустахкам бўлади. Зиёлиларидан айро эл пароканда бўлади. Бу бор гап.

Жиззахга сафаримизнинг биринчи куни вилоят ҳокими Эргаш Солиевнинг ўзи бизга ҳамроҳлик қилди ва эрталабдан кечгача Жиззахдаги 5 та жойда учрашув ўтказди. Биз дастлаб Шароф Рашидов шоҳқўчасида жойлашган Қозон федерал университетининг Жиззах филиалида бўлдик.

Ушбу олий таълим муассасаси Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 28 августдаги “Жиззах шаҳрида Қозон федерал университети филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорига асосан очилган. Айни пайтда филиалда 200 нафар талаба таҳсил олади. Қисқа муддатда бу ўқув даргоҳида катта ишлар амалга оширилган.

Биз университет ўқитувчилари ва талабалар билан суҳбатлашдик. Гурунлар жараёнида Маҳатма Гандининг машҳур бир гапини эсладим: “Хизмат қилиш деганда, мен ватан учун хизмат қилишни тушунганман, чунки бу туйғу менда ҳеч бир қидирувларсиз пайдо бўлганди. Бунга мойиллик менга сут билан кирган эди”. Шубҳасиз, ватанга муҳаббатгина ана шундай туйғунини уйғота олади. Ёшларимизда ватанга хизмат қилиш деганда, худди шу гандиёна қараш устувор бўлиши керак. Японларда ҳам болаларга “Мен умрим давомида Япония учун катта бир иш қилиб беришим керак”, деган ғоя синдирилган экан. Бизнинг болаларимизда ҳам Ўзбекистон учун шундай ғоя ва туйғу таянч бўлиши керак. Бундай туйғуларнинг сут билан кириши фарзандларнинг қалбдан бутунлигини таъминлайди.

Қозон Федерал университети 1804 йилдан буён фаолият кўрсатади. Салкам 220 йиллик тарих ва тажрибага эга университет. Лев Толстой, Хлебников каби машҳур кишилар шу даргоҳда таҳсил олган. Шунинг учун университет ректорига: “Талабаларингизга яхши бўлибди. “Қаерда ўқийсан?” деб сўрашса, “Толстой ўқиган университетда”, деб жавоб бериш яхши-да”, дея ҳазиллашдик.

Янги ташкил этилган ўқув юр்தларидан бири Sambhram университети.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги қарори асосида Жиззахда Sambhram университети ташкил этилган. Жиззах вилояти ҳокимлиги ва Ҳиндистондаги Sambhram Group компанияси университетнинг таъсисчилари ҳисобланади. Университет ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлайди. Ҳозирги кунда бу даргоҳда 1 222 (шундан 1 187 нафари бакалаврият, 35 нафари магистратура) талаба таҳсил олмақда. Бу ахборот технологиялари соҳасида университет шунча кадрлар тайёрламоқда, деганидир. Ҳолбуки, бугунги кунда компьютер дастуричиларига эҳтиёж жуда катта. Мингтамас, ўн мингтамас, ҳатто ўн та ҳақиқий профессионал дастурчи ҳам бутун жаҳонга таъсир кўрсата олиши, керак бўлса, дунёни ўзгартириб юбориши мумкин. Стив Жобс бунга аққол мисол бўла олади. Мамлакатда дастуричилар қанча кўпайса, тараққиёт шунга яраша бўлади.

Биз Sambhram университети ўқитувчилари билан гаплашдик. Уларнинг қўлиниги Ҳиндистондан келган мутахассислар. Бугунги дунёда ҳиндистонликлар математика, информатика, ахборот технологиялари соҳасида жаҳон миқёсида илғор ўринларда. Ҳиндистондан келган ўқитувчилар ўзбек ёшларининг иқтидори, салоҳияти, тез ўзлаштириш қобилияти ҳақида суюниб сўз-



лади. Бир жойда тўп-тўп талабалар компьютерда ишлаётган бўлса, яна бир жойда спорт билан шуғулланыпти, яна бир жойда дарс тайёрлаб ўтирибди. Хуллас, ҳамма ҳаракатда. Кейин биз Жиззах вилояти туманлари ва қишлоқларидан келиб университетда малака ошираётган ўқитувчилар билан учрашдик. Ўқитувчиларга ена олаётган билимларини мактаб ўқувчилари бундай етказаятгани, уларни ахборот технологиялари соҳасида қай тарзда тайёрлаётгани ҳақида гапириб берди. Биз талабалар яшайдиган ётоқхонани ҳам бориб кўрдик. Шароитлари кўнгилда-хондай, ташқарида ноябрнинг салқин нафаси уфуриб турса-да, хоналар иссиқ, шинам. У ердаги музлаткичларни ҳам очиб кўрдик. Қарасак, зарур нарсаларнинг ҳаммаси бор. Ўйдагидай, десак муболага бўлмас. Аксарият талабалар ётоқхона билан таъминланган.

Шу куни бир талаба қизнинг туғилган куни, ётоқхонанинг файзлигига ошхонасида қизлар байрам тараддудида экан, улар тайёрлаётган ширинликлардан татиб кўрдик, қизимизни табрикладик. Шоирлару олимлар билан учрашган қизгина “Бу галги туғилган куним ҳаётимда унутилмас кун бўлиб қолади”, деб мамнуниятини изҳор қилди.



Кейин Жиззах шаҳридаги вилоят Ахборот-кутубхона марказига бордик. Ташқи кўринишидан жуда замонавий бу бинонинг ички ҳолати билан қизикдик. Кириб кўрдик, танишдик ва марказнинг ички томони ҳам замонавий талабларга ҳар жиҳатдан жавоб бера олишига амин бўлдик. Шинам ва ёруғ хоналар, китоблар чиройли тахланган жавонлар, ярқираган стол-стуллар, сўнгги русумдаги компьютерлар...

Бундай шароитни кузата туриб, беихтиёр ўсмирлик йилларимизда пахта даласида бригадир нazoratchилардан беркиниб, эгитлар ичида, гўзалар панасида титилиб кетган китобларни ўқиганимиз, баъзан бунинг учун қаттиқ дакки эшитганимиз, баъҳорда қўй боқиб юрган кезларимизда, ҳатто тунлари ой ёруғида мутлоаа қилганимиз эсимга тушди.

Китоб бор жойда файз бўлади. Марказга киришингиз билан буни ҳис этасиз. Кутубхонага борган одам ундаги китоблар ва фойдаланувчилар сони билан қизиқади. Биз ҳам шу ҳақда сўрадик. Кутубхоначи жавобни аниқ ва ихчам қилди: “Бундан беш йил олдин вилоят Ахборот-кутубхона марказининг умумий китоб фонди 68800 нусха, китобхонлар сони 3598 бўлган. Ҳозир эса китобларимиз сони 90 мингдан ортди, фойдаланувчилар қариб уч баробар кўпайди”. Айни рақамларнинг ўзи мавжуд



ҳолатга изох бера олади. Китоб ва китобхоннинг қўлайлиги ҳар қандай вазиятда яхшилик ва эзгулик белгисидир.

Дунёда қанча ихтиролар бўлмасин, барибир, тафаккур тараққиётида биринчи асос китоб бўлиб қолаверди. Шунинг учун ҳам Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил январь ойда Жиззах вилоятига ташрифи чоғида вилоят Ахборот-кутубхона маркази учун янги бино 2021 йилги инвестиция дастурига киритилиб, қурилиш ишларига 7,7 миллиард, жиҳозлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эса маҳаллий бюджетдан 3,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган.

Бу ишлардан мақсад битта — китобхонлик маданиятини кўтариш, ёшлар тафаккурини улғайтириш. Бир нарсга аниқ: китобхонлик маданияти баянда бўлган жамият, шубҳасиз, маърифатли жамият бўлади.

Шу куни оқшомга яқин Зарбдор туманидаги махсус мактаб-интернатларга етиб бордик.

Бизни кутиб олган Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Дилфуза Садритдинова бу муассасалар ҳақида қуйидаги маълумотларни ҳавола қилди: “Бу мактаб-интернатларнинг махсус дейилишига сабаб уларда эшитиши заиф

ва кар болалар таҳсил олади. Иккита мактаб-интернат ҳам битта қишлоқда бир-бирига яқин жойлашган. 1-мактаб кар болалар, 2-мактаб заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган. Кар болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат 1988 йилда қурилган бўлиб, 2021 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 6,9 миллиард сўм ҳисобига тўлиқ таъмирланиб, зарур қўлайликларга эга, замонавий талабларга жавоб берадиган даражага келтирилди. Муассаса 180 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда унда 182 бола таълим ва тарбия олади.

Заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат 2021 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 8,1 миллиард сўм ҳисобига тўлиқ таъмирланди ва барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Ушбу муассасамиз 200 ўринга мўлжалланган бўлиб, айни вақтда 228 тарбияланувчи таълим-тарбия олиб келмоқда. 2021 йилда имконияти чекланган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва билим-қўлиқларини ошириш мақсадида ушбу мактаб-интернатларимизга “Замин” фонди томонидан жами 26 донга замонавий компьютер ва 2 та интерфаол сенсорли доска берилди, шунингдек, ўқувчи ёшларга жами 204 та замонавий эшитиш мосламаси топширилди”.

Гуруҳимизни энг ҳаяжонлантирган учрашувлардан бири шу жойда бўлди. Кўзлари беғубор, нигоҳлари порлоқ, дунёга умидли боқадиган бу болалар бизни қизгин меҳр билан қаршиладилар. Мен “меҳр билан қаршиладилар”, деган гапни шунчаки, навбатчи гап сифатида ишлатаётганим йўқ. Ҳақиқатан шундай бўлди. Бу болалар бошқача болалар эди. Гўё ҳаммамизни олдиндан танишди, билишди. Улар қўл имо-ишоралари билан овозсиз қўшиқлар қўйлади, гўзал рақсларга тушди. Гарчи, бу болалар эшитмасида, гапиролмасида, уларнинг кўнгли эшитаётганини, кўнгли гапираятганини ич-ичдан ҳис қилиб турад эдик. Баъзи соғломлардан кўра улар бизни кўпроқ тинглаётганини, баъзи нодонлардан кўра улар теран маъноли гапираятганини сезардик. Борган вақтимизда рақсга тушган 8-9 яшар қизалоқларнинг учтаси Жамила опа Шермухаммедовани қучоқлаб олди. Шу билан улар қайтганимизга Жамила опанинг бағридан чиқмади, қайга борса олага ёпишиб юрди, оёқлар чалқашиб, юриш қийин бўлиб қолса-да, айрилмади. Бу қизалоқлар бувисинингми, ойисинингми меҳрини толиб олганди шодланарди.

Болалар билан ўқитувчилари ёрдамида гаплашаятганимизда, 15 ёшлардаги бир бола диққатини тортди. У қўлида иккита ғолиблик ёрлигини бизга кўрсатишга ҳаракат қилар, қўсига ниқтаб ўзини кўрсатди. Бола спорт мусобақаларида ғолиб бўлган экан. У ўз ишидан фахрланарди. Унинг чемпионлардай ҳайқирғини эшитгандай бўлдим. Лекин бу овозсиз ҳайқирқ эди. Бола дадил ва ўқтам суръатда вилоят ҳокимининг олдида борди ва қўлидаги ёрлиқларни кўрсатди. Ҳоким уни бағрига босди.

Уларнинг бири шифокор бўлганим деса, бири олим бўлаган, яна бир шоир ё чемпион бўлаган, дейди. Ниятлар катта. Уларга бу умидларни шу даргоҳ беряпти, ҳаёт беряпти.

Улар Ватан ҳақида қўйлади. Ватан ҳақида имо-ишоралар билан ҳам, кўзлар билан ҳам овозсиз ва товушсиз қўйлаш мумкин экан. Ёниб-ёниб қўйлаш мумкин экан. Биз бунни кўрдик. Уша кунни бу учрашувдан таъсирланиб қуйидаги шеърни ёздим.

Бунда қўйлаётган кўзларни кўрдим,
Маъсум жавоҳиридан беғубор кўзлар.
Овозсиз ҳайқирган сўзларни кўрдим,
Булбул юрагидан тўкилган сўзлар.

Қўлларни кўрдим мен қушдай қанотлаб,
Ҳаяжон тилида гапирган кўллар.
Нигоҳларни кўрдим менга соатлаб,
Армон шевасида сўзлади улар.

Лабларда титраган табассумларда
Тингладим туйғулар товушларини.
Кўрдим сўзлаётган бармоқларда мен
Овозсиз рақсини фаршталарини.

Эй сиз, тили билан дунёни бузиб,
Сўз сотиб, ор сотиб юрганлар, қаранг,
Сўз билан фитналар, ғийбатлар тузиб,
Сўзга хиёнат қиб турганлар қаранг.

Қаранг, бу қўлларнинг таваллосига,
Теран қўлишига тийрак кўзларини.
Гўдак юракларнинг илтижосида
Буюк ҳикмати бор Тил ва Сўзларнинг.

Улар билан қалбда бир ғулхан ёқиб,
Овозсиз-овозсиз ичдан қўйлайман.
Гўнг боланинг порлоқ юзига боқиб,
Мен сўзнинг уёли ҳақда ўйлайман.

Бунда қўйлаётган кўзларни кўрдим,
Маъсум жавоҳиридан беғубор кўзлар.
Овозсиз ҳайқирган сўзларни кўрдим,
Булбул юрагидан тўкилган сўзлар.

Шу ўринда яна бир воқеа ҳақида айтиб ўтмасам бўлмас. 17 ноябрь куни Зоминдаги маъlum ва машҳур Супада бир кунда 720 ўринли 3 та меҳмонхона очилди. Бу меҳмонхоналарнинг ҳар бири каттагина таърифлу тавасифга лойиқ. Яъни бу алоҳида мавзу. 2500 метр баланглида чор тарафи тоғлар билан ўралган уч юз гектарли улкан Супада уч юлдўзли уч меҳмонхона ишга туширилди. Таъбир жоиз бўлса, бу жойни Ўзбекистон супаси деб атаса бўлади. Биз борган кунни кундўзги соат ўнларда Ой ва Қуёш бир вақтда осмонда кўриниб турган экан. Шоира опамиз Хосият Бобомуродова “Қаранглар, қуёш билан ой учрашмайди дейишди, ана учрашиб турибди-ку”, деди. Мен “Хосият опа, қуёш билан ой фақат Зоминнинг Супасида учрашади, бу ер уларнинг учрашув жойи, бошқа жойда учрашмайди”, деб ҳазиллашдим.

Шу куни Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим Зоминга бағишлаб “Тоғларнинг томида...” шеърини битди.

Халқона тилда айтсак, Зоминнинг Супаси “Худо берган жойлар”, у ерга борган одам ҳайрат, яна ҳайрат ичида қолади. Дунёнинг гўзал ва бетакрор манзиллардан бири бу. Ҳаёт ва табиятнинг сири гўё шу ерда яширингандай. Оламнинг олис манзилларида яшаётганлар дунёда Зомин ва унинг буюк Супаси борлигини билса, албатта, Зоминга қараб талпинади. Гўзаллиқни ҳис этаман деган одам бу ерларга келиши тайин.

Президентимизнинг 2021 йил 6 апрелдаги “Зомин” туристик-рекреацион зонасини ва халқро умуммаъсурий курортини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига кўра, 2 000 гектардан ортқ ҳудудда “Зомин” туристик-рекреацион зонаси барпо этилиши белгиланган эди. Супадаги улкан қурилишлар ана шу ишларнинг бошланишидир.

“Маънавият карвони” доирасида қизикарли ҳодисалар, гаройиб учрашувлар, қизғин суҳбатлар кўп бўлиб ўтади. Бир куни кечқурун емакхонада гуруҳимиз билан овқатланаётганимизда биздан бир неча стол нарида оиласи билан ўтирган 40 ёшлардаги киши ёнимизга келди. Кўринишидан жуда камтарин, камсуқум бу одам тортиниёбгина сўз бошлади: “Кечирасизлар, шундоқ қарасам, бу жойда таниқли шоирлар, машҳур санъаткорлар ўтирган экан. Сизлардан бир илтимосим бор эди. Бугун қизим 10 ёшга кирди. Шунга оилам, фарзандларим билан унинг туғилган кунини нишонлаётган эдик. Шу қизимни икки ойгизина ширин сўз билан табриклаб қўйсангизлар. Жуда хурсанд бўлар эдик. Қизимнинг оти Дилнур, 10 га кирди”. Артистларни биласиз, шаддод ва ғайратли бўлади. Бирдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилфуза Раҳимова ўрнидан туриб, емакхона тўрида мусиқа қўйиб ўтирган йиғитлар олдида борди ва микрофонни қўлга олиб, Дилнурани даврга чақирди. Қизганини туғилган куни билан табриклаб, қўшиқларидан айтиб берди. Кейин “Ўткан кунлар” фильмидаги Зайнаб бўли билан машҳур бўлиб кетган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гўлнеҳра Саъдуллаева қизни табриклади, “Чархпалак” сериалида лўли Марям роли билан кенг танилган Элмира Раҳимжоновна монолоғ айтиб берди, сўнг хизмат кўрсатган артист Нилуфар Саидова ва бошқа қатор артистлар ўша қизгинани табриклаб қўшиқлар айтиди. Байрам бўлиб кетди. Бу камтарин ва камсуқум оиланинг қанчалик хурсанд бўлганини қўрсангиз эди. Чунки уларнинг қизи Дилнуранинг туғилган кунига азим Тошкентдан шунча санъаткор атайлаб ташриф бўюрган эди гўё. Қолаверса, бунча санъаткорини бошқа пайт туй сўйиб чақирсанг ҳам келиши қийин бўлади-ёв.

Мен “Маънавият карвони” доирасида биттагина гуруҳнинг бор-йўғи бир куни ҳақида ҳикоя қилдим. Ҳолбуки, бундай гуруҳлар 12 та, ҳар бир туманда бир гуруҳ бир ҳафта давомида ишлаган. Улардан ҳар бирининг ўз таассуротлари, ўз айтadиган гаплари бор. Шу боис, агар “Маънавият карвони”да кўрганларим”, деган бир китоб чиқарилса, эл оралаб юрган зиёлилару санъаткорлар кўрган ва эшитганларини ёзиб берса, уларнинг ажаб ҳикояларидан баҳраманд бўлар эдингиз.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўёлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Таҳририятга келган қўлхизмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1164.
81039 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-йў.

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асқоров

Мусахҳиқ: Насиба Абдуллаева

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-йў

ЎЗА яқуни — 21:30 Топширилди — 23:50